

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАШАРИПОВ ҚУДРАТ ЮЛДАШЕВИЧ

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ ЖАҲОН СИЁСИЙ ВА ҲАРБИЙ
ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАҲЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of abstract of the doctor of science (DSc) dissertation

Машарипов Қудрат Юлдашевич

Жалолиддин Мангубердининг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихидаги ўрни.....3

Машарипов Қудрат Юлдашевич

Роль Джелал ад-Дина Менкбурны в мировой политической и военной истории.....33

Masharipov Kudrat Yuldashevich

The role of Jalal ad-Din Menkburnu in world political and military history.....65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works70

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАШАРИПОВ ҚУДРАТ ЮЛДАШЕВИЧ

**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ ЖАҲОН СИЁСИЙ ВА ҲАРБИЙ
ТАРИХИДАГИ ЎРНИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tar70 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мавлонов Ўктам Махмасобирович
тарих фанлари доктори, профессор

Аллаева Нигора Ашировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор

Султонов Ўктам Абдулганиевич
тарих фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 17 март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил 02 март кuni тарқатилди.
(2022 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)



Х.Э.Юнусова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж.Э.Тоғаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д.(PhD)

Н.У.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида жадал кечаётган глобаллашув жараёнлари элатлар ва халқлар, миллатлар ва давлатлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихини янада кенгрок ўрганишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Шу муносабат билан жаҳон халқлари тарихий тараққиётининг узвий қисми бўлган давлат арбоблари, озодлик учун курашган қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятини холисона ўрганиш, уларнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини янги асосларда кўриб чиқиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳондаги кўплаб нуфузли илмий тадқиқот марказлари, олий таълим муассасалари, халқаро фондлар томонидан Жалолиддин Мангубердининг сиёсий ва ҳарбий фаолиятининг Яқин ва Ўрта Шарқ худудларидаги этник ҳамда сиёсий жараёнларга таъсирини, саркардалиқ салоҳиятини, жанг усуллари, стратегияси ва тактикасини, унинг Шарқ халқлари ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрнини аниқлаш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Жалолиддин Мангуберди сиёсий ва ҳарбий бошқарув ташкилотлари, унинг Сурия, Ироқ ва Кичик Осиёдаги давлатлар билан муносабатлари масаласига оид маълумотларни, сиёсий ва ҳарбий фаолиятининг нафақат ўзбек ҳамда бошқа туркий халқлар ёки ислом дунёси учун, балки жаҳон халқлари учун қандай аҳамият касб этиши масаласини янги асосларда кўриб чиқишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб давлатчилик тарихини, миллий қаҳрамонлар ва давлат арбоблари фаолиятини холисона ёритиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Мазкур саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси сифатида, Жалолиддин Мангубердининг давлатчилик тарихидаги ўрни, унинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти ҳақида тарихий тадқиқотлар чоп қилинди. 1999 йилда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейи нишонланиб, 2000 йилда «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди. Зеро, «...енгилмас саркарда, Ватан ҳимоячиси, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердининг она юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонати, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, халқимиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб келмоқда»¹. Бу, ўз навбатида, мавзуга тегишли маълумотларни кенг тадқиқ қилиш, етарли даражада ўрганилмаган муаммоларни кўриб чиқиш ва умумлаштирилган ҳолда хулосалар чиқариш лозимлиги билан долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрдаги «Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги 408-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 августдаги «Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // 15.10.2017 // <https://old.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/11451-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirzijoenvning-khal-deputatlari-khorazm-viloyati-kengashining-navbatdan-tash-ari-sessiyasidagi-nutq-i>

тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда яна шу каби бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихидаги ўрни бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан: Россия Фанлар академияси Этнология ва Антропология институти, Шарқшунослик институти (Россия), Галле – Вюртемберг университетининг Шарқшунослик институти (Германия), Истанбул университетининг Кожазли университети, Ижтимоий билимлар институти, Анқара университети, Эрзирум

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: Boyle John Andrew. Jalal al-Din Khwarazmshah in the Indus valley, in Hamida Khuhro (ed.), *Sind through the centuries*. – Karachi, 1981. – P. 124-129; Boyle John Andrew. Minorsky's marginal commentary on Houdas's translation of Nasavi's Life of Sultan Jalāl al-Dīn Khwārazm-Shāh, in Mujtabā Mīnuvī and Īraj Afshār (eds.), *Yād-nāma-yi Īrānī-yi Mīnūrskī*. – Tehran, 1969. – P. 30-36; Dabir S. Sultan Djalal ad-Din Horezmshah. – Tehran, 1977. – 210 p.; Ebubekir Subaşı. *Türkistan Şahini Celaleddin Harezmsah*. – Istanbul: Çelik Yayınevi, 2020. – 272 s.; Erdoğan Coşkun. *Harezmsahlar Anuştegin'den Celaleddin'e*. – Istanbul: Selenge yayınlari, 2020. – 128 s.; Isabel Miller. *Occult Science and the Fall of the Khwarazm-Shah Jalal al-Din // Iran. Journal of the British Institute of Persian Studies*, 2001. Vol. 39. Published by: Taylor & Francis, Ltd. – P. 249-256; Foreign Powers at Home: Encounter with Jalaluddin Mangbarni, the Mongol problem and relations with the Caliph of Baghdad // *Journal of Advances in Library and Information Science*, 2015. Jan.-March. Chapter 4. Vol. 4. – № 1. – P. 116-149; Gülseren Azar Nasrabadı. *Tarihin Dönüm Noktasında Bir Türk Lider: Celaleddin Harizmşah (617-628/1220-1231) // Türk Tarihinde Liderler*. – İstanbul: Yeditepe yayınlari, 2019. – S. 285-296; Horst H. *Die Staatsverwaltung der Grosseilgüquen und Horazmsahs (1038-1231)*. – Wiesbaden, 1964. – 192 p.; Jackson P. *Jalāl al-Dīn, the Mongols and the Khwarazmian Conquest of the Panjāb and Sind // Iran (Journal of British Institute of Persian Studies)*. – London: publication by Taylor & Francis Group, 1990. Vol. 28. – P. 45-54; Juergen Paul. *The Role of Khwārazm in Seljuq Central Asian politics, victories and defeats*. In: *Eurasian Studies* 6 (2007-2008), 1-17; Iqtidar Husain Siddiqui, *Sultān Jalāl al-Dīn Khwārazm-Shāh. His rôle in the war against the Mongols*, IC78/1 (2004). – S. 71-89; Kozo Itani. *Jalāl al-Dīn Khwārazmshāh in West Asia*, *Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko* 47 (1989). – S. 145-164; Manouchehr Moshtagh Khorasani. *The Defensive Tactics of Jallaleddin Kharazmshah Facing the Mongol Army Attacking Iran // A Compilation of Articles and Abstracts of Selected Articles*. – Tehran: Paygah Pajuheshi Defa' Moqaddas, 2018/1396. – P. 257; Meryem Gürbüz. *Harizmşahlar: Devlet Teşkilatı, Ekonomi, Kültür*. – Istanbul: Boğaziçi Yayınları, 2014. – 336 s.; Tanrı Verdi Celaleddin Harezmsah. – Istanbul: Erdem yayınlari, 2019. – 110 s.; Monik Kervran. *La mosquée de Ġālāl al-Dīn Ĥwārazm Şāh à Damrīlā, dans les bouches de l'Indus*, in Christian Müller and Muriel Roiland-Rouabah (eds.), *Les non-dits du nom. Onomastique et documents en terres d'Islam. Mélanges offerts à Jacqueline Sublet*. – Beirut, 2013. – P. 525-546; Necip Asım (Yazıksız). *Celâlüttin Harezemşah*, Milli Eğitim Bakanlığı. – İstanbul, 1934. – S. 160; Rehan Ismail. *The Lion of Khuwarzam & Mangol Attack*. – Al-Manhal Publications Karachi, 2014; Timokhin D.M. *The Conquest of Khwarezm by Mongol Troops (1219-1221) // The Golden Horde in World History. A Multi-Author Monograph*. – Kazan: Sh. Marjani Institute of History of the Tatarstan Academy of Sciences, 2017. – P. 75-86; Taneri Aydın. *Celâlü'd-din Hârizmşâh Ve Zamanı*, T.C. Kültür Bakanlığı. – Ankara, 1977. – S. 208; Teresa Fitzherbert. *Portrait of a lost leader. Jalal al-Din Khwarazmshah and Juvaini*, in Julian Raby and Teresa Fitzherbert (eds.), *The court of the Il-khans, 1290-1340 (Oxford 1996)*. – P. 63-77; Yınanç Mükrimin Halil. *Celâleddin Harzemşah*. – Eskişehir: Milli Eğitim Bakanlığı Yayınları, 1997. – S. 49-53.

университети (Туркия), Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз институти (Бишкек, Қирғизистон), Миллий Фанлар академияси Тарих ва этнология нститути (Қозоғистон), Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Тарих, этнология ва археология институти, Шарқшунослик институти, Туркманистон Фанлар академияси Тарих институти, Урганч давлат университетида тарихий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жалолоддин Мангуберди сиёсий ва ҳарбий фаолияти тарихи бўйича дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар асосида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: араб – форс, хитой тилидаги ёзма манбалар маълумотлари асосида Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати инқирозининг сабаблари ва Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти ҳамда сиёсий фаолиятига баҳо берилган (Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти, Москва); мўғулларнинг ҳарбий санъати, стратегияси, тактикаси ва Жалолоддин Мангубердининг жанг олиб бориш тактикаси баҳоланган (University of Cambridge); Жалолоддин Мангуберди тимсолида озодлик учун курашувчи жасур, мард йигит образи яратилган (University of Keele); Хоразмнинг маъмурий бошқаруви, Чингиз билан Хоразмшоҳлар ўртасидаги низо, Жалолоддиннинг қочиши, унинг Парвондаги муваффақияти ва фожиали ўлими очиб берилган (University of Delhi); Жалолоддин Мангуберди сиёсий ва ҳарбий бошқарув ташкилотлари, унинг Сурия, Ироқ ва Кичик Осиёдаги давлатлар билан муносабатлари масаласига оид янги маълумотлар аниқланган (Туркия Истанбул, Кожаяли, Анқара, Эрзирум университетлари, Миср Қоҳира университети Файюм бўлими, Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Француз институти, Бишкек, Қирғизистон); Марказий Осиёда Жалолоддин Мангубердининг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихида тутган ўрни кўрсатиб берилган (Қозоғистон Фанлар академияси Тарих ва этнология нститути, Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти).

Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти, фаолияти ва унинг жаҳон сиёсий ҳамда ҳарбий тарихидаги ўрни мавзуси бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий фаолиятини, саркардалик салоҳиятини, жанг усуллари, стратегияси ва тактикаси, қўшинининг этник таркиби масалаларини таҳлил қилиш; Хоразмшоҳлар – ануштегинийлар давлатининг вужудга келиши ва таракқиёти жараёнларини; мўғуллар томонидан босиб олинишининг туб сабабларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жалолоддин Мангубердининг ўзбек давлатчилиқ тарихидаги тутган ўрни, унинг сиёсий арбоб ва ҳарбий саркарда сифатидаги фаолияти ҳақидаги муҳим тарихий манбаларнинг, тарихий тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамасдан, илмий жамоатчилик томонидан етарлича ўрганилган деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу билан бирга, кўпгина манбалар ва тадқиқотларда, афсуски, Жалолоддин Мангубердига ноҳолис баҳо бериб келинган. Умуман олганда,

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти мавзусини тўлиқ акс эттирувчи муайян бир тадқиқот йўқ³.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти мавзусини тарихий манбалар ва тадқиқотлар маълумотлари асосида таҳлил этиш асосида Жалолиддин Мангубердининг жаҳон тарихида тутган ўрнини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жалолиддин Мангуберди сиймоси ва фаолиятига ёзма манбалар, тарихий тадқиқотларда билдирилган фикрлар ва қарашларни таърифлаб бериш;

Хоразмшоҳ – ануштегинлар давлати ва Чингизхон ўртасидаги уруш, хоразмшоҳлар давлати таназулининг сабаблари ва оқибатларини кўрсатиб бериш;

Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг Хоразм давлатини тиклаш йўлидаги илк уринишлари, унинг мўғуллар устидан илк ғалабалари моҳиятини баҳолаш;

Жалолиддин Мангубердининг Эрон, Озарбайжон ва Ироқ ҳудудларида хоразмшоҳлар давлатини тиклаши ва бу давлатнинг ҳудуди, чегаралари ҳамда қўшни давлатлар билан муносабатлари масаласини очиқ бериш;

Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг сўнгги босқичлари, унинг Чингизхон – мўғул босқинини бартараф қила олмаганлигининг омилларини кўрсатиб бериш;

Чингизхон ва Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий саркардалиқ қобилятларини қиёсий таҳлил қилиш асосида Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъати, тактикаси ва унинг ўрта асрлар Шарқ ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрнини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жалолиддин Мангубердининг сиёсий ва ҳарбий фаолияти тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши ҳамда унинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги сиёсий-ҳарбий фаолиятини акс эттирувчи турли тиллардаги ёзма манбалар, тарихий тадқиқотлар маълумотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, тарихий маълумотларни қиёсий ва танқидий ўрганиш, умумлаштириш ва тарихий-қиёсий таҳлил қилиш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мўғуллар ҳужуми даврида айнан хоразмшоҳ Муҳаммаднинг душманга қарши қўллаган ҳарбий-стратегик режаси ва йўл қўйган стратетик хатолари Хоразмшоҳлар-Ануштегинлар давлатининг тугатилишига сабаб бўлгани

³ Мавзунинг манбавий ўрганилиши ва тарихий тадқиқотларда акс этиши масаласига тадқиқотнинг биринчи бобида алоҳида тўхталиб ўтилган.

хусусидаги қарашларнинг асоссиз эканлиги, бунга ҳукмрон сулола (ануштегинийлар) вакиллари мансуб бўлган уруғ ичидаги қарама-қаршилиқларнинг ниҳоятда кучайиши асосий сабаб бўлгани исботланган;

Жалолиддин Мангубердиннинг қисқа вақт давомида мўғулларга қарши тура оладиган кучли кўшинни ташкил эта олгани, ҳарбий-бошқарув соҳасида қўллаган ташкилотчилик иқтидори, душманга қарши мутлақо янги услубдаги жанг қилиш тактикасини ишлаб чиққани ва ўз даврининг энг илғор жанг олиб бориш усулига эга бўлган мўғул кўшинларини кўп бора мағлуб эта олгани ҳамда Шарқ халқлари учун узоқ йиллар давомида мўғулларнинг вайронагарчилик келтирувчи ҳужумларидан ҳимоя қилувчи куч бўлиб тургани ва шу асосда жаҳон ҳарбий санъати тараққиётига муҳим ҳисса қўшгани асосланган;

Султон Жалолиддин шарқда Ҳиндистон, ғарбда Туркия, Кавказ, Ирок ҳудудларигача бўлган улкан минтақада хоразмшоҳлар давлатини қайта тиклагани ва давлат бошқарувини йўлга қўйгани, аммо охир-оқибат мўғулларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориб, ўз давлатини сақлаб қола олмаганининг туб сабаблари сифатида унинг ношуд сиёсатчи бўлгани билан изоҳланиб келинган мавжуд қарашлар хато эканлиги далилланган;

Бағдод халифаси, Кичик Осиё, Кавказorti ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳукмдорларининг ўз манфаатлари йўлида олиб борган иккиёклама сиёсати натижасида Жалолиддини Мангубердиннинг бу давлатларга қарши урушлар олиб боришига, ҳужумлар уюштиришига сабаб бўлиб, бу воқеалар замонавий тадқиқотларда Жалолиддиннинг ўз манфаати йўлида ва бойлик тўплаш учун олиб борилган «кераксиз уруш» сифатида баҳолангани тарихий ҳақиқатга мос келмаслиги аниқланган;

Жалолиддин Мангубердиннинг фожиали ўлдирилиши тўғрисидаги баъзи манбалар ва замонавий тарихий тадқиқотларда шаклланган қарашларнинг нотўғри экани, унинг ўлимига баъзи ҳукмдорларнинг, Жалолиддин атрофидаги мансабдорлар ва ҳатто қариндошларининг (Шарафалмулк, Утурхон) олдиндан уюштирилган хоинона хатти-ҳаракатлари сабаб бўлгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жалолиддин Мангубердиннинг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихида тутган ўрни мавзусига оид манбалар ҳамда тарихшунослик тадқиқотлари маълумотлари умумлаштирилган ва тарихий-қиёсий таҳлил қилинган ҳамда тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотлар асосида мақолалар ва монографиялар нашр этилган;

ҳалигача кенг миқёсда ўрганилмаган ҳамда илмий муомалага тортилмаган ёзма манбалар чуқур таҳлил қилинган, манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқот доирасига тортилган, муҳим хулосалар ва натижаларга келинган;

тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар ҳамда унда илгари сурилган таклиф, тавсиялардан ҳарбий олий ва ўрта таълим муассасаларининг ўқув ишлар режасида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

«O‘zbekiston tarixi» телеканалининг эшиттиришларини тайёрлашда асос бўлиб, музей фондлари экспонатларини янада кенгайтиришга ва янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Жалолиддин Мангубердининг сиёсий ва ҳарбий фаолияти тарихини ўрганишда асл манбалардан (Шиҳобиддин Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти», Нуриддин Зайдарийнинг «Нафсат ал-Масдур», Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг «Жаҳон фотиҳи тарихи», Рашидиддин Фазлуллоҳнинг «Умумий тарих», Ибн ал-Асирнинг «Мукаммал тарих», Жузжонийнинг «Табақати Носирий») ва турли илмий-тарихий тадқиқотлар маълумотларидан қиёсий ва холислик тамойили асосида фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Жалолиддин Мангубердининг сиёсий ва ҳарбий фаолияти тарихини қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланган ҳолда олинган назарий хулосалар, унинг жаҳон ҳарбий тарихида тутган ўрнини холисона ёритиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда умумлаштирилган маълумотлардан Ўзбекистон тарихи, ҳарбий ва давлатчилик тарихини ёзишда, олий ўқув юрти талабалари учун янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларни ёзишда, шунингдек, виртуал музейлар экспозицияларини яратишда ҳамда тарихий-маданий меросни тарғиб қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жалолиддин Мангубердининг жаҳон сиёсий ва ҳарбий тарихида тутган ўрни мавзуси бўйича чиқарилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Жалолиддин Мангубердининг ўрта асрлар Шарқ сиёсий ҳаётида ва жаҳон ҳарбий тарихида муҳим ўрин тутганлиги хусусидаги аниқ илмий мулоҳазалар, қўшни давлатлар билан муносабатлари масаласидаги ноҳолис баҳо ва фикрлар, илмий ҳақиқатга тўғри келмайдиган қарашларнинг мавжудлиги ҳамда уларни қайта кўриб чиқиш зарурати борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида (2012-2016 йй.) бажарилган Ф1-ФА-0-16549 «Хоразм тарихи (II жилд. V асрдан XVI асргача)» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 5 июлдаги 3/1255-1963-сон маълумотномаси). Натижада, тарихшунослик тадқиқотларида бугунги кунда Жалолиддин Мангуберди тўғрисида шаклланган баъзи қарашларнинг нотўғри эканлиги илм аҳлига ҳамда кенг оммага тушунтиришга хизмат қилган;

Хоразмшоҳлар-ануштегинлар давлати ва Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар ўртасидаги уруш, хоразмшоҳлар давлати таназзулининг сабаб ва оқибатларига, Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши 10 йилдан ортиқ олиб борган курашларига оид қарашлардан республика миқёсида ёшлар ва ҳарбийлар ўртасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тарғибот

тадбирларида, Маънавият ва ҳарбий ватанпарварлик фестивалларини ўтказиш жараёнларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Марказининг 2021 йил 7 июлдаги 02/08-697-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2021 йил 16 февралдаги 04-13/268-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар мўғул босқинчиларига қарши курашда Жалолиддин Мангубердининг ўрнини тўлақонли ва ҳаққоний тушуниш имконини берган;

Жалолиддин Мангуберди уруғ-қабилалараро ижтимоий зиддиятлар исканжасида қолгани ва айрим ҳукмдорларнинг хоинликлари, иккиюзламачилик сиёсати, ўз яқинларининг ёлғони сабабли муваффақиятсизликларга учраганига қарамасдан, мураккаб сиёсий вазиятда ҳам душманга қарши озодлик кураши туғини кўтара олгани, эрк тимсолига айлангани тўғрисидаги маълумотлардан Республика ва вилоят театрларида сахналаштирилган «Жалолиддин Мангуберди» драмасини тайёрлашда ҳамда Туркия билан ҳамкорликдаги «Мендирман Жалолиддин» фильмини суратга олиш жараёнларида самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 12 июлдаги 05-12-06-3280-сон маълумотномаси). Бу маълумотлар халқ тафаккурида тарихий онгининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига, мамлакатимиз тарихини ўрганишга қаратилган илмий кўникма ва ёндашувлар бўйича малакага эга бўлишга, тарих соҳасидаги билимларини оширишга имкон яратган;

Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўшинни ташкил этиш унсурларига қатор ўзгартиришлар киритиб, ўзига хос жанг санъати усулини яратгани ҳамда унинг сиёсий фаолияти масаласига оид фикрлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» teleradiokanali» ДУК қошидаги «O‘zbekiston tarixi» телеканали «Очиқ дарс», «Мавзу», «Тарихий савол» ва «Тақдимот» кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган («O‘zbekiston tarixi» телеканалининг 2021 йил 9 апрелдаги 02-40-529-сон, 15 апрелдаги 02-40-586-сон ва 3 майдаги 02-40-671-сон маълумотномалари). Натижада, бу маълумотлар ёшлар ва ҳарбийлар ичида сўнгги нафасигача мўғулларга қарши кураш олиб бориб, шубҳасиз, шахсий жасорат билан босқинчиларнинг энг матонатли ва серғайрат рақиби деган шон-шуҳратга сазовор бўлиб, буни ҳатто Чингизхоннинг ўз ҳам тан олгани тўғрисидаги билимларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференциялар ҳамда семинарларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, 4 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган 15 та мақолада ўз аксини топган. Уларнинг 13 таси республика нашрларида ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 248 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **«Кириш»** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жалолоддин Мангуберди фаолиятига ёзма манбаларда ва тарихий тадқиқотларда берилган баҳо: фикрлар ва қарашлар таҳлили»** деб номланган. Унинг 2 та параграфиди Жалолоддин Мангуберди фаолиятининг ёзма манбаларда акс этиши, турли тиллардаги ёзма манбалар таҳлили, Жалолоддин Мангуберди фаолиятига тарихий тадқиқотларда берилган баҳо, фикрлар ва қарашлар таҳлили, Жалолоддин Мангубердининг сиёсий муносабатлар ва жаҳон ҳарбий санъати тараққиётида тутган ўрни масаласига оид илмий қарашлар ҳамда ёндашувлар таҳлил қилинган.

«Жалолоддин Мангуберди фаолиятининг ёзма манбаларда акс этиши» деб номланган биринчи параграфда Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти тарихини ёритишда Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг *«Сийрат ас-султон Жалолоддин Манкбурни»* (Султон Жалолоддин Мангуберди (ёки Манкбурни) ҳаёти тафсилоти) асари биринчи даражали манба сифатида муҳим ўрин эгаллайди⁴. Ан-Насавийнинг асаридан ўша даврда ва ундан кейин яшаб ўтган тарихчилардан Ибн Холдун, ал-Фуватий, ал-Айний, ал-Хазражий Ибн Шаддод, аз-Заҳабий, ас-Сафадий, кейинги даврларда эса кўпгина бошқа тарихчилар фойдаланганлар.

Жалолоддин Мангубердининг сиёсий ва ҳарбий фаолиятига оид энг муҳим манбалар жумласига Алоуддин Отамалик ал-Жувайнийнинг *«Тарихи жаҳонкушой»* (*«Жаҳон фотиҳи (Чингизхон) тарихи»*)⁵ ва Рашидиддин Фазлуллоҳнинг *«Жомеъ ут-таворих»* (*«Тарихлар мажмуаси»*)⁶ асарлари киради. Бу асарлардан кейинчалик Хоразмшоҳлар, хусусан, Жалолоддин

⁴ Қаранг: Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Камол Матёкубов таржимаси. – Т.: O‘zbekiston, 2006. – 384 б.

⁵ Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо.(Жаҳон фотиҳи тарихи) / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – 504 б.; Яна қаранг: Тошов Н.И. «Та’рих-и джахангуша» Ала ад-дина Джувайни – ценный источник по истории Центральной Азии XII-XIII вв. Автореферат канд. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН Узбекистана, 2004. – 22 с.

⁶ Рашид ад-Дин. Сборник летописей / Пер. с персидского Л.А.Хетагурова и О.И.Смирновой, редакция и примечания проф. А.А.Семенова. – М.-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1952. Т. 1, кн. 1. – 223 с.; Т.1, кн.2. – 317 с.

Мангуберди ҳақида ёзган ҳеч бир муаллиф бу манбаларни четлаб ўтиб кета олмаган. Иккита асар ҳам чингизийлар саройида ёзилган бўлсада, Жалолиддин Мангуберди шахсига, унинг фаолиятига ижобий баҳо берилган.

Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати, сўнги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг фаолиятига бағишланган энг муҳим асарлардан бири – бу Иззаддин Ибн ал-Асир ал-Жазарийнинг «ал-Комил фи-т-тарих» (Комил тарих, Тарихи комил) номли асаридир⁷. Аммо Жалолиддин Мангубердига муносабат масаласида Ибн ал-Асирнинг асаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим, чунки унда муаллиф ислом оламига жуда оғир мусибатларни келтирган мўғуллар босқини фожиаларининг сабабларини эмас, балки сабабчисини излайди. Унинг наздида эса бу фожиавий воқеаларнинг сабабчиси Хоразмшоҳлар сулоласи, шу жумладан, Жалолиддин Мангуберди ҳисобланади. Энг асосийси, бу манбадан кўпгина ёзма манбалар муаллифлари ва ҳатто, XIX асрдан кейинги тадқиқотчилар ҳам бирламчи манба сифатида фойдаланганлар.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида қисқа маълумотлар берсада араб тилидаги Ёқут Ҳамавий, Сибт Ибн ал-Жавзий, Закарий ал-Қазвиний, Ибн Тиктақа, Ибн Тангрибердий, Ибн Холликон, Ибн ал-Ибрий, Вассоф ва бошқа ўнлаб тарихчиларнинг асарларини ҳам тилга олиш мумкин⁸.

Форс тилида битилган асарлар жумласига Ибн Биби, Миҳожиддин Жузжоний, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Мирзо Улуғбек, Ҳофизи Абру, Муҳаммад Банокатий, Абул Фараж ибн Хорун, Муъниддин Натанзий, ал-Базавий, Мирхонд ва Хондамир асарлари киради⁹. Улар ичида энг кам ўрганилгани Ибн Биби асари бўлиб, бу манбадаги Жалолиддин Мангубердининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги фаолияти билан боғлиқ кўпгина воқеалар бошқа манбаларда учрамайди. Аммо муаллиф Қўния султонлари сарой тарихчиси бўлганлиги учун тарихий воқеаларни мазкур давлат ҳукмдорлари нуқтаи назаридан билан ёндашган ҳолда Жалолиддин Мангуберди сиймосига ҳам салбий

⁷ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих (Полный свод истории). Избранные отрывки / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г.Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. – Т.: Узбекистан, 2006. – 560 с.+вкл. 32 с.

⁸ Уларнинг асарлари номлари ва таркиби ҳақида муфассал қаранг: Собрание Восточных рукописей (СВР): (История). – Ташкент: Фан, 1998 (См. разделы: Всеобщая история, История Центральной Азии. – С. 15-252); Қаранг: Джамал ал-Карши ал-Мулхакат би-с-сурах. Введение, перевод с арабского-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х.Вохидова, Б.Б.Аминова. История Казахстана в персидских источниках. / Упоминание о монгольских хаканах и изложение их истории. . Т. I. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 27, 117-126;

⁹ СВР (История). – С. 36-36; Миклухо-Маклай Н.Д. Описание персидских и таджикских рукописей института востоковедения. Вып. 3. – С. 59-66; İbn Bibi (el-Hüseyin b. Muhammed b. Ali el-Ca'feri er-Rugadi). El Evamirü'l-Ala'ıye Fi'l-Umuri'l-Ala'ıye (Selçuk Name) / Çeviren Prof. Dr. Mürsel Öztürk. Cilt I-II. – Ankara, 1996; Бу ҳақда яна қаранг: Запорожец В.М. Сельджуки. – М.: Воениздат, 2011. – 295 с., илл.; Мунтахаб ат-таворихи Муини мансуб ба Муин ад-дин Натанзи. Ношир Ж.Обен. – Техрон, 1336/1957; Табақоти Носирий // Қўлёзма. – Россия ФА ШИ Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институти. – № – С. 426 (572abb). Нашри: Табақати Nasiri. Edited by Abdul Hai Nabibi. – Kabul, 1963. Vol. I. Vol. II. 1964; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: «Чўлпон» нашриёти, 1994. – Б. 51-120; Абуль-Фарадж. Книга занимательных историй / Пер. с сирийского, послесл. и примеч. А.Белова и Л.Вильскера; Ред. и предисл. Н.В.Пигулевской. – М.-Л.: Гослитиздат. Ленингр. отд-ние, 1961. – 296 с.; Ал-Байзавий. Низом ат-таворих // Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. – № 9720. 80+3 вар.; Шу муаллиф. Низом ат-таворих // Қўлёзма. Россия ФА Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институти. – № В 234-2 (266bb); Мирхонднинг «Равзат ас-сафо» асарида Жалолиддин Мангуберди зикри. – Тошкент: Фан, 1999. – 32 б.

таърифлар берган. Мавзуга оид сўнгги манба бу эски ўзбек тилидаги, Хива хони Абулғозихоннинг «Шажарайи турк» асаридир. Мазкур асарнинг учинчи қисми, яъни Жалолоддин Мангубердининг мўғулларга қарши кураши воқеалари қисман акс этган бўлими муҳим¹⁰ ҳисоланади.

Мазкур тадқиқот мавзусига оид маълумотлар мўғул ва хитой тилларида ёзилган манбаларда ҳам учрайди. Булар: «Монгол-ун ниуча тобчан» («Мўғулларнинг махфий тарихи»), «Мэн-да Бэй-лу» («Мўғул-татарларнинг тўлиқ тасвири»), «Шэн-у цинь чжен-лу» («Муқаддас саркарда Чингизхоннинг ҳарбий юришлари тафсилотлари»), «Юань-ши» («Юань сулоласи тарихи») ва ниҳоят «Алтан тобчи» («Олтин сўзлар») асарларидир¹¹.

Бу манбалардан ташқари ўрта асрлар Европа сайёҳлари: Плано Карпини, Гильом Рубрук ва Марко Поло эсадаликлари ҳам мўғуллар тарихини ва шу билан боғлиқ ҳолда Хоразм тарихини ҳам ўрганишда ёрдамчи манбалар сирасига киради¹².

Тадқиқот мавзусига оид ёзма манбалар ичида арман, грузин ва албан тилидаги ёзма манбаларни ҳам тадқиқот доирасига киритиш керак¹³. Энг асосийси, бу манбалардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим, чунки уларда Жалолоддин Мангуберди босқинчи сифатида тасвирланиб, баъзиларида мўғулларга нисбатан ҳам кўп ёвузликлар қилган ҳукмдор сифатида таъкидланади.

Мазкур бобнинг: *«Жалолоддин Мангуберди фаолиятига тарихий тадқиқотларда берилган баҳо: фикрлар ва қарашлар таҳлили»* номли иккинчи параграфда XX аср бошларидан то ҳозирги кунгача турли давлатларда Жалолоддин Мангуберди фаолиятига бағишланган тарихий тадқиқотлар, уларда Жалолоддин Мангуберди шахсига билдирилган фикрлар-мулоҳазалар ва қарашлар таҳлил қилинган.

Жалолоддин Мангуберди фаолиятининг XIX асрдан то ҳозирги кунгача бўлган давр тадқиқотлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳни рус, собиқ совет, МДҲ давлатлари тарихчилари ва хориж олимлари тадқиқотлари ташкил қилгани ҳолда, иккинчи гуруҳни эса, Ўзбекистонда XX аср 20-йилларидан то ҳозиргача бўлган давр ўзбек тадқиқотчилари томонидан қилинган тадқиқотлар ташкил қилади.

¹⁰ Абулғозий Баходирхон. Шажарайи турк // Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б.А.Аҳмедов. – Т.: Чўлпон, 1990. – 192 б.; Родословное древо тюрков. Сочинение Абуль-Гази хана хивинского. Перевод и предисловие Г.С.Саблукова. – Казань: типо-литография Императорского университета, 1906. – 336 с.

¹¹ Сокровенное сказание монголов // Перевод и замечания С.А.Козина. – М.: Наука, 1941; – Рязань, 2009; – М.: Изд-во Э, 2017. – 382 с.; Мэн-да Бэй-лу (Полное описание монголо-татар) / Мэн-да Бэй-лу. – М.: Наука, 1975. – 286 с.; Шэн-у цинь чжен-лу (Описание военных походов Чингизхана). www.literrus.com.; Перводы из Юань-ши (История династии Юань) // Храпчевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – М.: АСТ ЛЮКС, 2005. – С. 429-540; Лубсан Дабсан. Алтан тобчи (Золотое сказание). – М.: Наука, 1975. – 231 с.

¹² Путешествия в восточные страны, Плано Карпини и Гильом де Рубрук. – Алматы: Илым, 1993. – 242 с.

¹³ Анонимный грузинский «Хронограф» XIV века / Пер.: Г.В.Цулая. – М., 2005. – 152 с.; Багратиони Давид. История Грузии / Сост.: А.Рогава. Т. 6. – М., 1971. – 271с.; Гандзакеци Киракос. История Армении / Пер.: Л.А.Ханларян. – М., 1976. – 355 с.; Обзор источников по истории Азербайджана / Ред. З.М.Буниятов. – Баку, 1964. – 36 с.; Парсадан Горгиджанидзе. История Грузии / Пер. Р.К.Кикнадзе, В.С.Путуридзе. Т. 6. – М., 1990. – 182 с.; Степанос епископ. «Летопись» // Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII-XIV вв. / Пер. А.Г.Галстян. – М., 1962. – 155 с.; Себастиан. «Летопись» // Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII-XIV вв. / Пер.: А.Г.Галстян. – М., 1962. – 155 с.

Ғарб тарихшунослигида Жалолиддин Мангуберди ҳақида биринчи бор XIX аср ўрталарида К.Д'Оссон ёзган¹⁴.

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва тарихини машҳур рус шарқшунос олими В.В.Бартольд ўрганган. Аммо машҳур тарихчи олим Жалолиддин Мангуберди сиймосига фақат танқидий назар билан қараб, унга оддий бир шафқатсиз ва ношуд сиёсатчи дея баҳо беради¹⁵.

Рус тарихчиси И.П.Петрушевскийнинг мақоласида биринчи бор Жалолиддин Мангуберди фаолиятига холис баҳо берилгани кузатилади¹⁶. Шу билан бирга бу даврга оид давлатлар ёки сулолалар тарихига бағишланган асарларда, ёзма манбалар таҳлилий ўрганишга бағишланган тадқиқотларда ҳам Жалолиддин Мангубердига шафқатсиз босқинчи сифатида баҳо берилган¹⁷.

Жалолиддин Мангуберди тарихини нисбатан холисона ўрганишга киришган биринчи тарихчи бу З.Буниёдов ҳисобланади. Унинг «Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231)» номли асари ҳалигача хоразмшоҳ-ануштегинийлар ҳақидаги асосий асар ҳисобланади¹⁸.

Бу даврда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти тарихи кўпгина хориж тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Рене Крауссет (Груссе), Десмонд Мартин, Эдгар Кноблич, Ж.Бойл, Ж.Малькольм, П.Сайкс, С.С.Уолкер, П.Жексон, Х.Хорст, Э.Филипс, Ж.Уэзерфорд каби тадқиқотчилар асарлари, асосан, Чингизхон тарихи ва мўғуллар истилоси билан боғлиқ бўлсада (Х.Хорст асаридан ташқари), уларда Жалолиддин

¹⁴ Д'Оссон К. История монголов от Чингиз-хана до Тамерлана / Пер.: Н.Козьмин. – Алматы: Гылым, 1996. – 255 с.

¹⁵ Бартольд В.В. Туркистон в эпоху монгольского нашествия. Ч. I. (Тексты). – СПб.: Издательство факультета вост. языков, 1898. СПб., ун-та. – № 4. 201+1. – С. 80; Ч. II. Соч., Т. II. 1963. – С. 527.

¹⁶ Петрушевский И.П. Иран под владычеством монголов 1220-1236 гг. // История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. – Л., 1958. – С. 164-211.

¹⁷ Сандаг Ш. Образование единого монгольского государства и Чингисхан // Татаро-монголы в Азии и Европе. – М., 1977. – С. 23-46; Пикунин М.Г. Чингисхан в Афганистане // Там же. – С. 140-150; Галстян А.Г. Завоевание Армении монгольскими войсками // Там же. – С. 166-186; Петрушевский И.П. Поход монгольских войск в Среднюю Азию в 1219-1224 гг. и его последствия // Татаро-монголы в Азии и Европе. – С. 107-140; Гордлевский В.А. Государство Сельджукидов Малой Азии. – М.-Л., Изд-во АН СССР, 1941 – 204 с.; Али-Заде А.К. Социально-экономическая и политическая история Азербайджана XIII-XIV вв. – Баку: Кавказ, 2012. – 460 с.; Анчабадзе З.В. Из истории средневековой Абхазии (XI-XVII вв.). – Сухуми: Абхазское государственное издательство, 1959. – 306 с.; Анчабадзе Г.З. Источниковедческие проблемы военной истории Грузии (Исследование грузинских исторических сочинений). – Тб.: Мецниереба, 1990. – 256 с.; История Грузии. С древнейших времен до 60-х гг. XIX в. / Сост. Н.А.Бердзенишвили, В.Д.Дондуа, М.К.Думбадзе, Г.А.Меликишвили, Ш.А.Месхиа. – Тб., 1962. Т. I; Собрание материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. I. – С. 563; Собрание материалов, относящихся к истории Золотой Орды / Сост. В.Г.Тизенгаузен. – М.-Л., 1941. Т. II; Гаффаров А. Из области персидской историографии монгольского периода // Древности Восточные. Труды восточной комиссии Императорского Московского археологического общества / Ред. А.Е.Крымский. Т. IV. – М., 1913. – С. 1-70; Галстян А.Г. Новые армянские источники о монголах. – М.: Издательство восточной литературы, 1960. – 155 с.; Гусейнов Р.А. Сирийские источники XII-XIII вв. об Азербайджане. – Баку: Изд-во Акад. наук АзССР, 1960. – 182 с.; Обзор источников по истории Азербайджана / Ред. З.М.Буниятов. – Баку, 1964; Персидские исторические тексты. Хрестоматия / Сост. Дж.Ш.Гиунашвили, Д.В.Кацитадзе. – Тб., 1972; Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. / Ред. Б.А.Ахмедов. – Ташкент, 1988.

¹⁸ Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов (1097-1231). – М.: Наука, 1986. – 248 с.; Яна унинг: Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) // А.Ахмад ва М.Маҳкам таржимаси. – Т.: Ф.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – 256 б.

Мангубердининг сиёсий фаолияти ва ҳарбий санъати масалалари қисқача таҳлил қилинган¹⁹.

Чет эллик олимлардан, хусусан, туркиялик олим Иброҳим Қофас ўғли, ҳиндистонлик Раҳула Махапандита, эронлик С.Дабир ва япониялик К.Итани асарларида Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда қимматли маълумотлар берилган²⁰. Аммо афсуски улар ҳалигача тўлиқ тадқиқот доирасига тортилмаган.

Хорижда Жалолиддин Мангуберди тарихини чуқур ва холисона ўрганган олим бу туркиялик Ойдин Тонарий ҳисобланади²¹.

XXI аср бошларида Жалолиддин Мангубердининг сиёсий-ҳарбий фаолияти масаласида инглиз тадқиқотчилари Тереза Фитцерберт ва А.Эсмонд²², эронлик Манучеҳр Мустоғ Хуросоний, Иқтидор Ҳусайн Сидқуий ва Исмоил Ҳусайнзода²³, араб мамлакатларидан ливанлик Моник Кевран²⁴, покистонликлардан Рейхан Исмоил, Фаришта Муҳаммад Қосим²⁵, ҳиндистонлик Навин ва Прем Кумарлар²⁶ самарали тадқиқотлар олиб

¹⁹ Grousset R.L. *Empire des steppes*. – Paris, 1938; Груссе Р. *Чингисхан. Покоритель вселенной*. – М.: Молодая гвардия, 2000. – С. 94; Desmond Martin. *The Rise of Chingiz khan and his conquest of North China*. – Baltimore: The Johns Hopkins Press, 1950; Knobloch Edgar. *Beyond the Oxus. Archaeology. Art & Architecture of Central Asia*. – London, 1979; Cambridge History of Iran / red. J.A.Boyle. – Cambridge, 1968. Vol. 5. – 763 p.; Malkolm G. *The history of Persia from the most corlu period to the present time contaluing and tkouln of the religin government usaaes and sкарacter of the ihha bitant of tbat kina dom vo 1-2*. – London, 1815; Сайкс П. *Торих-е Ирон. Дж.2, тарджомай-е Сейид Муҳаммад Таки Гилани*. – Тегеран, 1362; Jackson P. *Jalal ad-Din, the Mongols and the Khwarezmian Conquest Panjab and Sind // Journal of Persian Studies*, 1990. – № 3-4; Уолкер С.С. *Чингиз-хан. Пер. с англ. и предисловие А.И.Глебова-Богомолова*. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1998. – С. 116, 122, 124, 128, 130, 133, 136, 139-276, 282-291; Cambridge. *History of Iran*. Vol. V. – Cambridge, 1986. – P. 21-48; Horst H. *Die Staatsverwaltung der Grosselgügen und Horazmsahs (1038-1231)*. – Wiesbaden, 1964. 192 p.; Филипс Э.Д. *Монголы. Основатели империи Великих ханов / Пер. с англ. О.И.Перфильева* – М.: Центрполиграф, 2004. – 174 с.; Уэзерфорд Дж. *Чингисхан и рождение современного мира / Пер. с англ. Е.Лихтенштейна*. – М.: АСТ; Владимир: ВКТ, 2008. – 493 [3] с.

²⁰ Иброҳим Қофас ўғли. *Хоразмшоҳлар давлати тарихи. 485-618 (1092-1221)*. – Анкара, 1956 (турк тилида); яна унинг: *Хоразмшоҳлар давлати тарихи 485-618 (1092-1221) // Туркчадан Назарбек Рафим таржимаси*. – Т.: «Navro'z» нашриёти, 2016. – 316 б.; Mahapandita Rahula Sankrityayana. *Histoty of Central Asia. Bronze aga (2000 B.C.) To Chengiz chan (1227 A.D.)*. – New Dehli, 1964; Dabir S. *Sultan Djalal ad-Din Horezmsah*. – Tehran, 1977. – 210 p.; Kozo Itani. *Jalāl al-Dīn Khwārazmshāh in West Asia. Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko 47 (1989)*. – P. 145-164.

²¹ Ойдин Тонарий. *Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври (Турк тилидан Бобоҳон Муҳаммад Шариф таржимаси)*. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 128 б.

²² Teresa Fitzherbert. *Portrait of a lost leader. Jalal al-Din Khwarazmshah and Juvaini*, in Julian Raby and Teresa Fitzherbert (eds.), *The court of the Il-khans, 1290-134*. – Oxford, 1996. – P. 63-77; Eastmond A. *Tamta and the Khwarazmians // In Tamta's World: The Life and Encounters of a Medieval Noblewoman from the Middle East to Mongolia*. – Cambridge: Cambridge University Press, 2017. – P. 322-341.

²³ Manouchehr Moshtagh Khorasani. *The Defensive Tactics of Jallaledin Kharazmshah Facing the Mongol Army Attacking Iran // A Compilation of Articles and Abstracts of Selected Articles*. – Tehran: Paygah Pajuheshi Defa' Moqaddas, 2018/1396. – P. 257; яна унинг: *Tactiques, Doctrines Militaires et armes mongoles utilisées contre l'Empire des Khorezmiens. La Revue de Téhéran Mensuel Culturel Iranien en Langue Française. No. 99, 9e Année, Février 2014*. – P. 22-33; *The Mongol Invasion of the Khawarazmian Empire: The Fierce Resistance of Jalal-e Din, in Medieval Warfare, 2012. Vol. II. Issue 3*. – P. 43-48; Hasanzāde Īsmail. *Tarihī Īran Der Ahdī Hārezmshāhiyān*. – Tahran: Kitab-ı Parse, 1392; Iqtidar Husain Siddiqui. *Sultān Jalāl al-Dīn Khwārazm-Shāh. His rôle in the war against the Mongols, IC78/1 (2004)*. – P. 71-89.

²⁴ Monik Kervran. *La mosquée de Ġalāl al-dīn Ĥwārazmshāh à damrilā, dans les bouches de l'indus*, in Christian Müller and Muriel Roiland-Rouabah (eds.), *les non-dits du nom. onomastique et documents en terres d'islam. mélanges offerts à Jacqueline Sublet*. – Beirut, 2013. – P. 525-546.

²⁵ Rehan Ismail. *The Lion of Khuwarzam & Mangol Attack. Al-Manhal Publications*. – Karachi, 2014; Farishta Muhammad Qasim, *Tareekh-e-Farishta. Al-Meezan Publications Lahore*. – Pakistan, 2008. Volume 4.

²⁶ Navin Kumar, Prem Kumar. *The Chinggisid Mongol Conquest of the Kara Khitai and Khwarazm. Political and Organizational Factors*. – Delhi: Adel Allouche Final Term Paper, 2012. – 30 p.

бордилар. Бу борада, айниқса, туркиялик тарихчилар тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Булар ичида Гулсирен Азар Насирабади, Марьям Гўрбуз ва Жўшқин Эрдоганлар анча салмоқли тадқиқотлар олиб борганлар²⁷.

Жалолиддин Мангуберди фаолияти тарихига муносабат масаласи XX асрнинг 90-йилларидан кейин маълум сабабларга кўра илгаригига нисбатан ўзгара бошлаганлигини таъкидлаш лозим. Аммо бу ўзгаришларнинг салбий жиҳатлари ҳам бор эдики, бу биринчидан, буюк давлатчилик шовинизми мафкурасининг юзага чиқишига, иккинчидан эса ўз миллати тарихини бошқа миллатлар тарихидан устун қўйишга интилиш каби салбий ҳолатларининг юзага келишига олиб келди²⁸.

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида махсус тадқиқот олиб борган Д.М.Тимохин ишлари диққатга сазовордир. Муаллиф Жалолиддин Мангуберди фаолияти бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган ва у ҳақида 70 га яқин мақола, битта монография чоп қилдирган. Тадқиқотчи ўз асар ва мақолаларида Жалолиддин Мангубердининг фаолияти тарихига илгаригидек, яъни унинг моҳир лашкарбоши, аммо нўноқ сиёсатчи бўлгани маъносида муносабатда бўлишдан бутунлай воз кечмаган²⁹.

Чингизхон ва мўғулларнинг ҳарбий санъатига оид тадқиқотларда ҳам Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъати ҳамда қўллаган жанг усуллари ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган³⁰. Россиялик тадқиқотчилардан яна

²⁷ Gülseren Azar Nasırabadı. Tarihın Dönüm Noktasında Bir Türk Lider: Celaleddin Harizmşah (617-628/1220-1231) // Türk Tarihinde Liderler. – İstanbul: Yeditepe yayınları, 2019. – S. 285-296; Meryem Gürbüz. Tanrı Verdi Celaleddin Harezmşah. – İstanbul: Erdem yayınları, 2019. – 110 s.; Яна унинг: Harizmşahlar: Devlet Teşkilatı, Ekonomi, Kültür. – İstanbul: Boğaziçi Yayınları, 2014. – 336 s.; Erdoğan Coşkun. Harezmşahlar Anuştegin'den Celaleddin'e. – İstanbul: Selenge yayınları, 2020. – 128 s.; Яна унинг: Hârezm İsmi ve Bölgenin Tarihi Coğrafyası Hakkında Bazı Tetkikler, TAED, 62 (2018). – S. 307-322; Hârezmşâh Alâeddin Muhammed Dönemi Siyasî Tarihi (1200-1220), Yayınlanmamış Doktora Tezi. – İstanbul: Atatürk Üniversitesi, 2015; Yınanç, Mükrimin Halil. Celâleddin Harzemşah. Eskişehir: Milli Eğitim Bakanlığı Yayınları, 1997. – 49-53 s.; Ebubekir Subaşı. Türkistan Şahini Celaleddin Harezmşah. – İstanbul: Çelik Yayınevi, 2020. – 272 s.; Türk Tarihinde Liderler / Kolektif. – İstanbul: Yeditepe yayınları, 2019. – 488 s.

²⁸ Язбердиев А. Избранные статьи. В 10-ти томах. Т. III. – Ашгабат: «Бўлим», 2012. – С. 163-168, 178-180; Давлатов Муллошо. Центральная Азия накануне и в период монгольского нашествия (1201-1223 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Душанбе, 2010. – 74 с.; Его же: Средневековые письменные памятники о героическом деянии Джалал ад-Дина Манкбурны в Хорасане // Фарханг, 2007. Сентябрь-декабрь. – № 5-6. – С. 13-19; Нурмухаммад Амиршохи. Давлати Куртхон Хирот (1245-1381). – Душанбе: Амри илм, 1996. – С. 21-26; Турсунов Н.О. Таърихи тоҷикон. – Хужанд, 2001. – С. 424-438; Семь подвигов Темурмалика. – Хуросон-Хучанд, 2003. – С. 404; Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. Чингисхан: личность и эпоха. – М., 1995. – 272 с.; Султанов Т.И. Чингиз-хан и Чингизиды. Судьба и власть. – М., 2006. – 448 с.; Акимбеков С.М. История степей: феномен государства Чингисхана в истории Евразии. – Алматы, 2011. – 639 с. ва бошқалар.

²⁹ Тимохин Д.М. Арабо-персидские источники и историография о хорезмшахе Джалал ад-Дине Манкбурны. Диссерт. на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – М., 2008. – 198 с.; Соперник Чингизхана: хорезмшах Джалал ад-Дин Манкбурны, личность и эпоха. – М., 2013. – 268 с.; Правления Джалал ад-Дина Манкбурны по данным сочинения ан-Насави // International Symposium on Culture of Governance in the Central and Western Asia. – İstanbul, 2015. – S. 67-68 и другие.

³⁰ Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана // (Военно-историческая библиотека). – М.: Изд-во: «АСТ», «ЛЮКС», 2005. – 557 [3] с.; Горелик М.В. Вооружение и военная организация войск Монгольской империи (первая половина XIII в.) // Золотоордынская цивилизация, 2015. – № 8. – С. 38-52; Его же: Монгольская латная конница и ее судьба в исторической перспективе // Военное дело Золотой Орды: проблемы и перспективы изучения. Отв. ред. и сост. И.М.Миргалеев. – Казань: ООО «Фолиант», Институт истории АН РТ, 2011. – С. 47-58; Бобров Л.А., Сальников А.В. Тактический прием «тулгана» в военном искусстве монголов XIII в. // Исторический журнал «Былые годы». – Сочи, 2015. – № 38 (4) – С. 791, 786-796 с.; Рохмистров В.И. Битва на реке Инд – Чингизхан наносит поражение армии хорезмшаха Джелал-ад-

бири бу С.Чернявский хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати тарихига бағишланган асарида Жалолиддин Мангуберди фаолиятига анча ноҳолисона ёндашган³¹.

Ўзбекистонда шу пайтгача Жалолиддин Мангуберди ҳақида О.Бўриев, Н.Тошев, Ш.Саидов, Ҳ.Нурмухамедов, Ҳ.Содиқов, А.Сотлиқов, О.Машарипов, Ж.Раҳимов ва Абу Абдуллоҳ Шоший каби тарихчилар асарлар ёзган бўлсалар³², у ҳақида тўпламлар нашр қилинди ҳамда Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихи ва Хоразм тарихига оид бир қатор ҳаммуаллифликдаги тадқиқотлар чоп этилди³³. Аммо, афсуски, юқоридаги тадқиқотчилар асарлари ичида Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва сиёсий-ҳарбий тарихини тўлиқ ҳамда илмий жиҳатдан очиб берувчи жиддий ва салмоқли тадқиқот асарлари йўқ.

Биринчи боб хулосасида Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган курашлари воқеалари ва унинг фаолиятига бағишланган манбаларда берилган баҳолар кўп ҳолларда мавҳум ҳамда баҳсталаб мавзулардан бири экани, хориж ва совет даври тадқиқотларида алоҳида илмий масала сифатида етарли даражада ёритилмагани аниқланди. Айниқса, совет даври тарих фанида устунлик қилган ёндашувлар ичида Жалолиддин Мангубердининг шафқатсиз лашкарбоши ва ношуд сиёсатчи бўлганлиги ҳақидаги қарашлар асоссиз эди. Тадқиқотда мазкур ҳолатнинг сабаблари очиб берилган, шунингдек, мустақиллик йиллари тарихшунослигида асосий ёндашувлар ва илмий қарашларнинг мазмун-моҳияти баҳоланган.

Учта банддан иборат тадқиқотнинг иккинчи боби **«Хоразмшоҳ-ануштегинлар империясининг вужудга келиши, тараққиёти ва таназули. Чингизхон – мўғул давлати билан муносабатлари муаммолари»** деб номланган. Мазкур бобда Хоразмшоҳлар-ануштегинлар давлатининг вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва ривожланиш омиллари, ануштегинийлар давлатининг сиёсий бошқарув тизими, заифлашиши сабаблари, Чингизхон бошлиқ мўғул давлатининг вужудга келиш шарт-шароитлари, босқинчилик юришларининг сабаблари ва

Дина (1221 год) // В кн.: Великие сражения Востока: сборник / ред.-сост. Светлов Р.В. – М.: Яуза: Эксмо, 2009. – С. 166-190.

³¹ Чернявский С.Н. Империя хорезмшахов. – М.: «Вече», 2018. – 368 с.

³² Бўриев О., Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди (Даври. Саркардалиқ фаолияти. Манбалар). – Т.: Фан, 1999. – 72 б.; Нурёғди Тошев. Жалолиддин Мангуберди. – Т.: Комолот, 1999; Саидов Ш. Султон Жалолиддин Мангуберди давлати ва жанговор ҳаракатлар харитаси. – Тошкент, 2000; Нурмухамедов Ҳ. Жалолиддин Мангуберди. – Тошкент, 1999; Жалолиддин Мангуберди (ўзбек, инглиз, рус). – Тошкент, 1999; Содиқов Ҳ. Султон Жалолиддин Мангуберди // Тарихий қисса. – Т.: ART FLEX, 2009. – 54 б.; Сотлиқов А. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди. – Хива, 1999; Раҳимов Ж. Ватаннинг шерюрак фарзанди. – Тошкент: «Ўқитувчи» НМИУ, «Талқин», 2015. – 528 б. +32 рангли вклейка; Машарипов О. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар // Хоразмнома. 7-жилд. – Урганч: «Қуванчбек – Машхура» МЧЖ нашриёти, 2018. – 604 б.; Абу Абдуллоҳ Шоший. Мўғул босқини ёхуд мусулмонларнинг қонли кечмиши. – Электрон манба: Islam House, 2012. – 369 б.

³³ Матниёзов М., Олламов Я. Хоразм давлатчилиги тарихи. – Урганч: УрДУ нашриёти, 2009. – 118 б.; Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати (Қадимий тарих саҳифалари). – Тошкент: Шарқ, 1999; Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2013. – 336 с.+32 с (вклейка); Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2018. – 440 б.

оқибатлари, Чингизхон босқини ва хоразмшоҳлар давлати таназзули сабаблари ҳамда оқибатлари таҳлил қилинган.

«Хоразмшоҳлар-ануштегинлар давлатининг вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва ривожланиши» номли биринчи параграфда хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг вужудга келишида муҳим омил бўлган сиёсий воқеалар ва жараёнлар, турли давлатлар билан муносабатлари, айниқса, салжуқийлар давлатининг тараққиёти, инқироzi ва парчаланиб кетиши каби сиёсий жараёнларнинг ануштегинийлар сулоласининг шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Ануштегинийлар давлати тараққиёти йўли алоҳида босқичларга ажратилган ҳолда ўрганилган.

Тадқиқотда мазкур сиёсий жараёнларнинг хусусияти, омиллари ва сабаблари аниқланган. Жумладан, ануштегин-хоразмшоҳлар сулоласининг вакили Алоуддин Отсиз хоразмшоҳ (1127-1156)нинг мустақилликка эришиш учун олиб борган сиёсати, нафақат ануштегинийларнинг сиёсий таъсирининг ва куч-қудратининг ошиб бориши билан, балки шу даврдаги ташқи сиёсий жараёнлар билан ҳам боғлиқ эди. Жумладан, у салжуқийлар давлатининг заволга юз тутиб бориши жараёнида мустақил сиёсат юритишга қисман эришди. Хоразмшоҳлар давлатининг кейинги тараққиёти эндиликда нафақат, салжуқийлар давлатининг емирилиб бориши билан, балки сиёсат майдонида пайдо бўлган янги кучлар: қорахитойлар, ғурийлар, Яқин ва Ўрта Шарқда вужудга келган катта-кичик давлатлар билан муносабатларнинг қай даражада бўлиши билан боғлиқ бўлган. XII асрнинг бошларида янги куч қорахитойлар пайдо бўлди ва XII асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрни ўз қўли остига олдилар. Натижада ануштегинийлар ўзларининг асосий эътиборларини шимолга қаратиб, ҳудудларини анча кенгайтirdилар³⁴.

Тадқиқотда Хоразмнинг XII аср охирида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омиллари, ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожини ва давлатнинг сиёсий тараққиётидаги ўрни масалалари ҳам очиб берилган³⁵.

Алоуддин Отсизнинг ворислари Эл-Арслон (1156-1172), Такаш (1172-1200) ва Алоуддин Муҳаммад (1200-1220) даврларида ануштегинийлар давлати ривожланишда давом этиб, улар, асосан, қорахитойларга қарши кураш олиб бордилар ва бу борада қарлуқ ҳамда қипчоқ қабилаларидан фойдаланишга ҳаракат қилганлар³⁶. Бу ҳукмдорлар даврида Хоразм аста-секин кучая борган, айниқса, Муҳаммад хоразмшоҳ даврида у жаҳон империясига айланган. Тадқиқотда ана шу тарихий жараёнлар таҳлил қилинган ва баъзи масалалар юзасидан янги хулосаларга келинган.

Хоразмшоҳларнинг давлат бошқарув тизими Муҳаммад Хоразмшоҳдан бошлаб, маълум ўзгаришларга учради ва юқорида таъкидлаганидек, ички сиёсатдаги бошланган инқирозларда бошқарув тизимининг инқироzi ҳал қилувчи рол ўйнаганлиги очиб берилган. Шу билан бирга сарой ва давлат

³⁴ Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 50; Ахинжанов С.М. Кипчаки в истории средневекового Казахстана. – Алматы: «Гылым», 1995. – С. 296.

³⁵ Сабурова С. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй.). – Т., 2008. – Б. 24.

³⁶ Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 50-61; Ахинжанов С.М. Кипчаки в истории средневекового Казахстана. – Алматы: «Гылым», 1995. – С. 296.

бошқаруви масаласини очиб бериш жараёнида, Муҳаммад Хоразмшоҳ даври ҳамда сўнги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди даврининг бошқарув тизимида юз берган ўзгаришлар таҳлил қилинган.

«Чингизхон давлатининг вужудга келиши ва мўғуллар итилосининг жаҳон сиёсий жараёнларига таъсири» номли иккинчи бўлимида мўғул қабилаларида ибтидоий жамиятдан давлатчилик тизимига ўтишнинг муҳим жиҳатлари аниқланган ва асосий омиллари очиб берилган. Бунда ижтимоий-иқтисодий белгилар инобатга олинган ҳолда, ёзма манбалар ва археология маълумотлари, илмий адабиётларда мавжуд қарашлар ва ёндашувлар таҳлил қилинган.

Бу борада Темучин фаолияти, унинг қабила бошлиғидан, бир неча қабилалар иттифоқи раҳбарига ҳамда охир-оқибат улуғ хон – Чингизхонга айланиши, бунда шахсий иқтидор ва сиёсий савиянинг ўрни, ташқи сиёсий вазиятнинг таъсири каби масалаларнинг муҳим жиҳатлари аниқланган.

Темучин (1155-1227) – кучли ва тадбиркор, айёр саркарда бўлиб, пароканда қабилаларни турли йўллар билан ўз қўли остида мустақкам бирлаштиришга маваффақ бўлган шахс эди³⁷. У 1189 йилда маркитларни бўйсундиргач, хон деб эълон қилинди³⁸. 1201 йилда татарлар, 1203 йили керайит, қўнғирот ва найманлар бўйсундирилди. Шу йили қонунлар тўплами – «Ясоқ» қабул қилинди. 1204 йили уйғур алифбоси мўғул ёзуви учун қабул қилинди. Шунингдек, мустақил давлат белгиси бўлган муҳр (тамға) ҳамда тақвим яратилди, ҳарбий ислоҳот ўтказилди³⁹. 1197 йилда давлат пойтахти – Аваргага асос солинди. Темучин 1206 йилда олий ҳукмдор – қоон (хоқон) деб эълон қилиниб, унга «Чингизхон» (денгиздай кучли), «буюк» ва «мусаффо») деган фахрий ном берилди⁴⁰. Энг аввало, давлат асоси бўлган мансаблар ва лавозимлар жорий этилди. Кейин маъмурий ислоҳот ўтказилиб, бутун Мўғулистон 95 та ҳарбий-маъмурий бирликка бўлинди. Янги мўғул давлати – Еке Мўнғол улус (буюк мўғул давлати) ёки «Хамаг монгол улус» (ягона мўғул давлати) деб атала бошланди⁴¹.

Чингизхоннинг ташқи юришлари давомида 1204 йилдан то 1218 йилгача найманлар, татарлар ва маркитлар бўйсундирилди. Чингизхон 1205-1210 йиллар давомида танғутларнинг Си Ся давлатига қарши уруш олиб бориб, уларни фақат 1227 йилда тўлиқ бўйсундирди. 1216-1218 йиллар давомида қорахитой (қоракидан)ларнинг Си Ляо (Ғарбий Ляо) давлати тугатилди.

Чингизхон 1211 йил баҳордан 1215 йилгача, Шимолий Хитой – Цзинь империясини тугатди⁴². Си Ся давлати билан Хитойнинг босиб олиниши

³⁷ Темучин (Чингизхон) таваллуди санаси юзасидан ҳозирда турли қарашлар ҳам мавжуд (1155, 1162 ва 1167 йиллар). Шартли равишда 1155 йил қабул қилинган.

³⁸ Уэзерфорд Дж. Чингисхан и рождение современного мира // Перевод на русский язык Лихтенштейн Е. – М.: АСТ; Владимир: ВКТ, 2008. – С. 21-111.

³⁹ Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – С.123-124, 126-127.

⁴⁰ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 1. Кн. 2 / Пер. с перс. О.И.Смирновой. – М.-Л., 1952. – С. 150.

⁴¹ Уэзерфорд Дж. Чингисхан и рождение современного мира. – С. 121.

⁴² Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана // (Военно-историческая библиотека). – М.: Изд-во «АСТ», «ЛЮКС», 2005. – С. 206-212.

натижасида Чингизхон жуда катта бойликка эга бўлди, бу бойликлар, ўз навбатида, Хоразмни бўйсундириш учун кучли кўшин тузишга йўналтирилди. Асосийси эса тангут ва хитойликларнинг шу давр дунёсидаги энг юксак ҳарбий санъати ўзлаштирилиб, мўғуллар мудофаа тизимида эга бўлган шаҳарларни босиб олишни ўргандилар⁴³.

«Хоразмшоҳ-ануштегинлар давлатига қарши мўғуллар истилоси ва хоразмшоҳлар давлати таназзули сабаблари ва оқибатлари» номли учинчи параграфида хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг мўғуллар билан уруши, бу урушда енгилишининг сабаблари ва оқибатлари манбалар маълумотлари асосида ҳамда хронологик изчилликда баён қилинган.

Диссертацияда Чингизхоннинг Хоразмга юриши сабаблари ва баҳонаси, рақиб давлатлар кўшинининг сони ва хусусиятини очиб беришга ҳаракат қилинди. Зеро, хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг Чингизхон бошлиқ мўғулларга қарши туролмаганининг бош сабабларидан бири айнан кўшиннинг бу даврга келиб ёлланма бўлгани, кўшин кўмондонлари ва вилоят шаҳар ҳокимларининг Муҳаммад хоразмшоҳга қатъий содиқ эмаслиги, айниқса, мўғуллар босқини пайтида хоразмшоҳга қарши норозиликнинг кучайиб боргани ҳатто ҳукмдорга қарши бир неча суиқасдлар уюштирилгани хоразмшоҳлар кўшинининг бу пайтда қандай хусусият касб этганини яққол кўрсатиб турибди. Ва аксинча, Чингизхон кўшини оз сонли бўлсада, тартиб-интизомли, ҳукмдор ва лашкарбошиларга сўзсиз итоат этишлари, Хоразмга юришдан олдин кучли кўчманчи қабилалар, тангут Си Ся давлати ва Хитой билан олиб борилган урушларда тажриба орттирган, чиниққан, энг асосийси, ўз даврининг энг мукамал қуролига, пухта ишлаб чиқилган стратегик ва тактик режаларга эга бўлган кўшин эди.

Тадқиқотда шу пайтгача Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар давлатига қарши юришининг сабаблари ва оқибатлари масаласида ўрнашиб қолган фикр-мулоҳазалар таҳлил қилиниб, янгича хулосалар чиқарилган⁴⁴.

Хоразмшоҳ-ануштегинийларнинг Бағдод халифаси билан муносабатлари ёмон бўлиб, халифалар ануштегинийлар душманларини (жумладан, ғурийлар, Яқин ва Ўрта Шарқдаги давлатлар) қўллаб-қувватлашлари бу кескинликнинг сабабларидан бири эди. Буларнинг оқибати ўлароқ, 1217 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ катта кишилиқ кўшин билан Аббосийлар халифалигига муваффақиятсиз юриш уюштирди⁴⁵.

1218-1219 йилларда икки тарафлама элчиликлар алмашинуви бўлиб, бу Чингизхон учун муваффақиятли бўлди. Машхур «Ўтрор воқеаси» уруш бошлаш учун баҳона бўлди⁴⁶.

Хуллас, 1219 йилда Чингизхон хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатига қарши юриш бошлаб, оқибатда, 1219-1220 йиллар давомида Нур, Зарнук,

⁴³ Кычанов Е.И. Жизнь Темучжина, думавшего покорить мир. – С. 234.

⁴⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 443; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 160, 164-165.

⁴⁵ Бартольд В.В. Халиф и султан // Сочинения. Т. VI. – Москва: Наука, 1966. – С. 15-78.

⁴⁶ Ан-Насавий. Султон Жалолiddин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 155; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 343; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. – С. 186-189.

Ўтрор, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Жанд, Термиз ва Нахшаб шаҳарлари мўғуллар томонидан босиб олиниб, вайрон қилинди, аҳолиси қириб ташланди, Қундуз, Балх ва бошқа худудлардаги ҳоким, амалдорларнинг кўпчилиги мўғуллар томонига ўтиб кетдилар⁴⁷. Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи бошчилигидаги мўғул қўшини Сирдарёнинг юқори қисмидаги Сиғноқ, Борчиликент, Жанд, Шаҳриканд, Ёркент ва Янгикент шаҳарларини эгалладилар. Булар ичида фақат Темур Малик бошлиқ Хўжанд шаҳри каттик қаршилик кўрсатди холос⁴⁸. Султон Муҳаммаднинг сўнгги кунлари тўхтовсиз қочишлар ва кўчишларда ўтиб, 1220 йилнинг декабр ойида вафот этди. Ва ниҳоят, 7 ойлик қамалдан сўнг 1221 йилнинг бошида хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж эгалланди ва сув бостирилиб, аҳолиси қирғин қилинди⁴⁹. Пойтахтни ташлаб қочган Туркон хотун хору зорликда 1233 йили Қорақурумда вафот этди⁵⁰.

1221 йилда Балх, Ҳирот, Ғазна, Қандаҳор, Нишопур, Нисо ва Марв шаҳарлари ҳамда Бамиён, Ғазна, Қандаҳор, Гардиз, Валиён каби қалъалар эгалланди. Жанубда Ҳиндистоннинг Мўлтон шаҳригача бўлган худудлар босиб олинди (1222 йил)⁵¹.

Иккинчи боб хулосасида Хоразмшоҳлар-ануштегинийлар давлатининг парчаланишига Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ноқилона сиёсати ва хато мулоҳаза режаси асосий сабаб бўлган деган хулоса ҳақиқатга тўғри келмаслиги, феодал тарқоқлик жараёнлари кучайиб кетганлиги асосий сабаб бўлгани исботланган. Чингизхон қўшини рақибларининг тартибсиз, турли этник гуруҳлардан иборат ёлланма қўшинидан анча устунлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Жалолоддин Мангуберди – сўнгги хоразмшоҳ**» деб номланган. Унда Хоразмшоҳ Жалолоддиннинг Хоразм давлатини тиклаш йўлидаги илк уринишлари, Хоразмни ташлаб кетиши сабаблари, оқибатлари ва унинг мўғуллар устидан илк ғалабалари, Жалолоддин Мангубердининг Эрон, Озарбайжон ва Ироқ худудларида хоразмшоҳлар давлатини тиклаши, Грузия, Кичик Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари, халифалик билан кейинги муносабатлар масалалари ҳамда Жалолоддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг сўнгги босқичлари, унинг Чингизхон – мўғул босқинини бартараф қила олмаганлигининг сабаби ва оқибатлари таҳлил қилинган ҳамда илмий хулосалар чиқарилган.

Учинчи бобнинг биринчи бўлими «*Хоразмшоҳ Жалолоддиннинг Хоразм давлатини тиклаш йўлидаги илк уринишлари ва мўғуллар устидан илк*

⁴⁷ Бу ҳақда қаранг: Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 57-61, 65-66; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 136-141, 146-147, 150-153, 159-163, 168-169; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. – С. 198-199, 204-208, 209-214; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 353-355, 357-359, 361.

⁴⁸ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 141-144.

⁴⁹ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 163-167; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Кн. 2. – С. 214-217.

⁵⁰ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 499.

⁵¹ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. – С. 224, 226-228.

ғалабалари» деб номланган. Бу бўлимда Жалолиддин Мангубердининг ҳокимиятдан четлатилганлигининг сабаблари ва оқибатлари, Жалолиддиннинг хоразмшоҳ деб эълон қилиниши ва Хоразм давлатини тиклаш йўлидаги илк уринишлари, бу йўлдаги асосий тўсиқлар, унинг Хоразмни ташлаб кетиши ва мўғуллар устидан илк ғалабаларининг сабаблари ҳамда оқибатлари, Жалолиддин гарчи катта ўғил бўлса-да, тахт вориси этиб тайинламаганлигининг асосий сабаблари кўрсатиб берилган.

Мўғуллар таъқиби остида Хуросонда саргардон бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ вафоти олдидангина Жалолиддинни валиахд этиб тайинлайди⁵². Жалолиддин Урганчга қайтади, аммо унга қарши фитна тайёрланаётганини эшитиб, пойтахтни тарк этади⁵³. Шундан сўнг у Нисо ва Валиён яқинида мўғуллар устидан дастлабки ғалабаларга эришади⁵⁴. Ибн ал-Асир бу уч кунлик жанг Балак деган ерда бўлганини ёзади ҳамда у бу жангни мўғуллар устидан эришилган илк ғалаба деб атайди⁵⁵. Жалолиддин Қандаҳор қалъаси яқинида мўғуллар устидан яна ғалабага эришади. Кўплаб тарихчилар, жумладан, Ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин бу жангга юқори баҳо берган эдилар⁵⁶.

Жалолиддин 1221 йилнинг феврида Ғазнага келади ва бу ерда унинг хизматига Сайфиддин Ўғроқ ал-Халажий, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғон қабилалари сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар раҳбари ал-Ҳасан қарлуқ ўз қўшинлари билан қўшиладилар⁵⁷. Чингизхон бу ҳолатдан ташвишга тушиб дарҳол Шиқи Хутуху бошчилигидаги қўшинни унинг устига юборади.

Тадқиқотда Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар устидан эришган энг йирик ғалабаси Парвон жангги тафсилотлари илмий таҳлил қилинган ҳамда шу пайтгача бу жанг ҳақида чиқарилган хулосаларга маълум ўзгартишлар киритилган. Аммо жангда қўлга киритилган ўлжа устидаги низо – жанжал оқибатида Сайфиддин Ағроқ, Аъзам ва Музаффар Маликлар Жалолиддинни тарк этадилар ҳамда бўлғуси Синд дарёси бўйидаги жангдаги мағлубиятнинг энг асосий сабабчиларига айланадилар⁵⁸.

Бу мағлубиятдан кейин Чингизхон барча кучларни тўплаб, Жалолиддинга қарши юриш бошлайди ва Синд дарёси бўйида улар ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлади (1221 йил 23-25 ноябрь). Бу жангда Жалолиддиннинг ҳақиқий лашкарбошилиқ қобилияти яққол кўзга ташланади⁵⁹. Синд дарёси бўйидаги жангда мағлубиятга учрагач, Жалолиддин Ҳиндистонга ўтиб, бу ерда 1224 йилгача фаолият юритди.

⁵² Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 78-79.

⁵³ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 80; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. – С. 214.

⁵⁴ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 84,96; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 369-370.

⁵⁵ Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 365.

⁵⁶ Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 366; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 371; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. – С. 221.

⁵⁷ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 105.

⁵⁸ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 106-107; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 373; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих. (Полный свод истории). – С. 366.

⁵⁹ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 106-107.

Султоннинг кўнглида Ҳиндистонда катта куч тўплаб, сўнг мўғулларга қарши катъий кураш бошлашдек катта мақсад бор эди. Лекин бу ердаги вазият унинг бу ниятини амалга оширишга имкон бермади ва Ҳиндистонни тарк этишга мажбур бўлди⁶⁰.

Учинчи бобнинг «*Жалолоддин Мангубердининг Эрон, Жанубий Кавказ ва Ироқ худудларида хоразмшоҳлар давлатини тиклаши. Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари, халифалик билан муносабатлар муаммоси*» номли иккинчи бўлимида Жалолоддин Мангубердининг Эрон, Озарбайжон ва Ироқ худудларида хоразмшоҳлар давлатини тиклаши йўлидаги ҳаракатлари, бу борада унинг Грузия, Кичик Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари ҳамда халифалик билан кейинги муносабатлари муаммоси таҳлил қилинган.

Ҳиндистонни тарк этган Жалолоддин 1224 йилда Кирмон, Форс ва Язд вилоятларини эгаллади⁶¹. Аммо бу ерда у укаси Пиршоҳ ва бошқа вилоятлар ҳокимлари қаршилигига учрагач, Озарбайжонга қараб юрди⁶².

Жалолоддиннинг Ироқ ва Озарбайжонга қайтиши ҳамда унинг куч-қудрати ва обрў-эътиборининг ошиб бориши халифа ан-Носирни безовта қила бошлайди, у қандай бўлмасин Султонни йўқ қилиш ниятида бўлади⁶³. У шу мақсадда Жалолоддинга қарши икки марта кўшин юборди ва Пиршоҳнинг тоғаси Ифрон Тоисийни исён кўтаришга даъват қилади. Аммо Жалолоддин Ифрон Тоисийни ҳам⁶⁴, халифанинг кўшинини ҳам тор-мор келтиради. Жалолоддин 1225 йил март-апрел ойларида Дақуқа, апрел-май ойларида эса Тикрит шаҳарларини босиб олди⁶⁵.

1225 йили майда Озарбайжондаги Мароға шаҳри эгалланди⁶⁶ ҳамда июнда кўшни давлатлар билан дўстона ҳамкорлик, биргаликда ҳужум қилиш ва ҳимояланиш битимлари тузилди, баъзи ҳукмдорлар Жалолоддин номини хутбага кўшиб ўқиттирадилар ва унинг номи билан тангалар зарб қилдира бошладилар⁶⁷. Мароғадан кейин Жалолоддин Отабек Ўзбек пойтахти Табризни эгаллаб, Озарбайжонни тўлиқ ўз тасарруфига олади⁶⁸.

Жалолоддин Мангубердининг мўғулларга қарши олиб борган курашлари тарихидаги энг муаммоли саҳифаларидан бири бу, шубҳасиз, унинг Грузия ва Кавказортида олиб борган урушлари масаласи ҳамда унинг халифалик, Кичик Осиё ва Яқин Шарқдаги давлатлар билан муносабатлар масаласи ҳисобланади. Тадқиқотда XIX асрдан ҳозиргача В.В.Бартольднинг фикрларига кўр-кўрона ёпишиб олиш оқибатида Жалолоддиннинг Грузия ва

⁶⁰ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 116.

⁶¹ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 107; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 374; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – С. 223.

⁶² Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 122.

⁶³ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 382-383; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – С. 241.

⁶⁴ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 133, 135; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 205-206.

⁶⁵ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 382-383; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. С. 241; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 370-371.

⁶⁶ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 135-136.

⁶⁷ Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 240.

⁶⁸ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 385; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – С. 242.

Кавказортида олиб борган урушлари масаласи борасида ҳалигача фақат салбий ва ноҳолис фикрлар шаклланиб қолгангани кўрсатиб берилган⁶⁹.

Жалолоддин Мангуберди Ҳиндистондан бу ҳудудларга келган пайтда Грузия энг кучли давлат сифатида қўшниларига босқинчилик юришлари уюштириб турган эди⁷⁰. Аммо 1221 йилда Кавказорти ҳудудига, жумладан, Грузияга ҳам мўғуллар бостириб кирди. Мўғуллар учта жангда грузинларни тор-мор этсаларда, Дарбанд орқали Дашти Қипчоқ чўлларига ўтиб кетдилар. Натижада Грузия яна мусулмон мамлакатларига ҳужумлар уюштира бошлади⁷¹. Асосий манбаларда Жалолоддин Мангубердининг Грузияга юришига уларнинг мусулмонлар ҳудудларини эгаллашга бўлган ҳаракатлари сабаб қилиб кўрсатилади⁷².

Жалолоддин Мангуберди 1225 йилда гуржиларнинг Двин шаҳрини эгаллаб, Гарни ёнидаги жангда грузинларни тор-мор келтирди⁷³. Бу ғалабадан кейин иттифоқчи бўлиш таклифини билдириб, малика Русудана (1223-1245) ҳузурига элчиликлар юборилади. Аммо у Хоразм элчиларини қабул қилмаган ва Жалолоддин таклифларини рад қилган⁷⁴. Натижада Жалолоддин Мангуберди 1226 йилда Лори шаҳрини, Алиобод қалъасини, қишда пойтахт Тифлисни эгаллайди ва ўз номидан тангалар зарб қилдиради⁷⁵. Тадқиқотда грузин манбалари ва замонавий грузин ҳамда бошқа мамлакатлар тарихчилари Жалолоддиннинг Грузиядаги фаолиятига ноҳолисона ёндашишлари ҳамда воқеалар тафсилотини баён қилишда ҳаддан ошганликлари таҳлил қилинган.

Айни шу пайтда, унинг Кермондаги ноиби Бароқ Ҳожиб хоразмшоҳга бўйсунмаслик йўлига ўтган бўлса, Жазира ҳукмдори ал-Малик ал-Ашраф ўзининг Ҳилотдаги ноибларига хоразмшоҳ ҳудудларига юриш қилишни буюрган. Жалолоддин 1226 йил сентябрда Тифлисга қайтиб, Ани ва Карс шаҳарларини ҳамда Кемаҳ ва Арзинжон қалъаларини босиб олади. 1226 йил

⁶⁹ Машарипов О. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар // Хоразмнома. 7 – жилд. – Урганч: «Қуванчбек – Машхура» МЧЖ нашриёти, 2018. – Б. 499-500.

⁷⁰ Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии (с древнейших времени до наших дней). – Тбилиси: Изд-во «Артануджи», 2008. – С. 62-63.

⁷¹ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 385-386; Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии. – С. 74.

⁷² Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 138; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 385-386; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 375-376; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – С. 242; Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII-XIV вв. / Перевод А.Г.Галстян. – М., 1962. – С. 33-34; Картлис Цховреба / История Грузии. Глав.ред. Роин Метревели. – Тбилиси: Изд-во Артануджи, 2008. – С.339.

⁷³ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 138; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 386-387; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – С. 243; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 376; Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII-XIV вв. / Перевод А.Г.Галстян. – М., 1962. – С. 33-34; Картлис Цховреба / История Грузии. Глав.ред. Роин Метревели. – Тбилиси: Изд-во Артануджи, 2008. – С. 338-339.

⁷⁴ Картлис Цховреба / История Грузии. – С. 340-341; Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 149; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 216.

⁷⁵ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 387-389; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – С. 243; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 379; Картлис Цховреба / История Грузии. – С. 341-342; Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии. – С.75-77; Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока (VII середина – XIII в.). Социально-экономические отношения. – М.: Наука, 1984. – С. 137. Таблица 3, 138.

ноябрда у Ҳилот шаҳрини қамал қилган. Аммо совуқ туфайли ҳамда туркманларнинг иваий қабиласининг Озарбайжондаги бебошликлари ва қароқчиликлари натижасида Озарбайжонга қайтади⁷⁶. У 1227 йил январда мўғулларнинг яна ғарбга юришларини бошлаганликлари ҳақидаги хабарни эшитиб, Исфаҳон тарафга юради⁷⁷. 1227 йил 5 сентябрдан – 1228 йил 26 августгача бўлган Исфаҳон яқинидаги мўғуллар билан жангда Жалолоддин ғалаба қозонди. Жангни ташлаб қочган Жалолоддиннинг укаси Гиёсиддин Пиршоҳ ва унинг амири Жаҳон Паҳлавонларни Кермон ҳокими Бароқ Ҳожиб ўлдиртиради⁷⁸.

Бу жангдан сўнг Жалолоддин Мангуберди шошилинич Озарбайжонга қайтди. Чунки Табризда Отабек Ўзбекнинг собиқ мамлуклари кўзғолон кўтарган эди. Аммо бу кўзғолонлар тезда бостирилган⁷⁹. 1228 йил Барки ёнидаги жангда ҳожиб Алини енгади ва у эгаллаган барча мулкларини қайтариб олади. Бу воқеаларнинг келтирилишига сабаб, кейинчалик Жалолоддиннинг Кичик Осиё ва Яқин Шарқ хукмдорлари билан муносабатларнинг янада ёмонлашуви ҳамда ўзаро ишончсизликнинг пайдо бўлишига олиб келди.

1228 йилда Жалолоддиннинг Грузияга учинчи юриши бошлаб, Болнисидеган жойда уларни тор-мор келтирган⁸⁰. 1229 йил август ойида Суриядаги Ван кўли атрофида жойлашган Ҳилот қалъаси учинчи марта қамал қилиниб, 8 ой қамалдан сўнг 1230 й 14 апрелда таслим қилади.

Тадқиқотда Жалолоддин Мангубердининг халифа, Қўниё, Дамашқ ва Миср султонлари ҳамда уларга расман тобе маликлар, отабеклар ва ноиблари билан муносабатда хато йўл тутган эди деган фикрлар ҳамда унинг Ҳилотни эгаллаши энг катта хатоси бўлган эди деб ҳисоблашлари масалага бир ёқлама ёндашув асосида келиб чиққан хато фикр ва эрта чиқарилган хулоса эканлиги исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби *«Жалолоддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг сўнгги босқичлари, мўғул босқинини бартараф қила олмаганлигининг сабаби ва оқибатлари»* номли учинчи бўлимида Жалолоддин Мангубердининг мўғулларга қарши курашининг сўнгги босқичлари, яъни 1229-1231 йиллар воқеалари таҳлил қилиниб, шу асосда, унинг Чингизхон – мўғул босқинини бартараф қила олмаганининг сабаби ва оқибатлари кўрсатиб берилган.

Кўпгина тадқиқотчилар Жалолоддиннинг Қўниё ва Дамашқ хукмдорлари билан иттифоқ тузмаганини унинг энг катта хатоси бўлганини таъкидлайдилар. Аммо бундай сиёсий вазиятда Жалолоддиннинг улар билан

⁷⁶ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 162-164.

⁷⁷ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 165; Картлис Цховреба./История Грузии. – С. 344; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. – С. 243.

⁷⁸ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 166, 167-168, 173-175; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 392, 420-421; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 1. – С. 243; Т. 2. – С. 31-32.

⁷⁹ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 201-202, 260, 355.

⁸⁰ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 211-213; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 394; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2. – С. 27-28; Картлис Цховреба / История Грузии. – С. 344.

сулҳ тузиши масаласи ҳам қийин бўлган⁸¹. Жалолиддиннинг бу ҳукмдорларга умуман ишонмаганини умрининг охирларида Насавийга айтган гапларидан ҳам билса бўлади⁸². Натижада, Қўниё султони Алоуддин Қайқубод I ўз мулкларига келадиган хавфдан қўрқиб, хоразмшоҳга қарши иттифоқ тузишга эришди. Бу иттифоққа Дамашқ, Ҳилот, Хартбарт, Халаб, Майофориқин ва Баниёс ҳокимлари кирган⁸³.

Жалолиддин ва иттифоқчилар қўшинлари ўртасидаги жанглар, 1230 йил 7 августда Ясси Чаманда, асосий жанг эса, 1230 йил 10 августда Аржинжонда бўлиб ўтган. Бу жангда Жалолиддиннинг қўшини тор-мор келтирилади⁸⁴. Жалолиддин Мангубердининг бу жангдаги мағлубиятининг асосий сабаблари қуйидагилар: Жалолиддин ўз иттифоқчилари билан вақтида бирлаша олмайди ҳамда душман иттифоқчи қўшинларининг бирлашишига йўл қўйиб беради, иккинчидан, у асосий қўшинларининг катта қисмини тарқатиб юбориб, қайта тўплай олмади ва ниҳоят бу даврда у оғир касал бўлган⁸⁵. Айни пайтда шарқдан мўғулларнинг ҳужуми бошланганлиги хабари етиб келади ва Жалолиддин кечаги душманлари билан тинчлик-ҳамкорлик сулҳини тузишга рози бўлди⁸⁶. Бу сулҳга кўра, Жалолиддин ал-Малик ал-Ашрафга Ҳилот ва унинг атрофларини қайтариб берди⁸⁷. Айни шу пайтда Алоуддин Қайқубод Сурия ҳукмдорига қарши уруш бошлаб, ҳатто мўғул хони Ўқтойга ўз тобелигини билдирган. Бу пайтда исмоилийлар дарҳол мўғулларга мактублар юбориб, Жалолиддин айни пайтда жуда заиф ва унинг устига юриш учун жуда қулай вазият юзага келганини билдирадилар⁸⁸. Жалолиддиннинг мўғуллар қўшинининг ҳаракатини кузатиш ва зарур бўлганда пистирма қўйиш учун юборган лашкарбошилари ҳам хиёнат қилиб, юборилган жойларга бормаганлар. Шу пайтда Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида исён кўтарилиб, Жалолиддин Ганжага юриш қилишга мажбур бўлади ҳамда кўзғолонни бостиради. Шу ердан Яқин ва Ўрта Шарқ ҳукмдорларига ёрдам сўраб мактублар юборди. Аммо уларнинг ҳеч қайсиси ёрдамга келмади. Натижада, 1231 йил 17 августда Амид шаҳри ёнида унга мўғуллар ҳужум қилди. Мағлубиятга учраган Жалолиддин Амид тоғларига қочиб, шу ерда 1231 йил 23 августда курдлар томонидан фожиона ўлдирилади⁸⁹.

⁸¹ Бу ҳақда яна қаранг: Запорожец, В.М. Сельджуки. – М.: Воениздат, 2011. – С. 174-176.

⁸² Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 285-286.

⁸³ Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 228-229; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 396.

⁸⁴ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 247-248; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 403; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2. – С. 29; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 397. Яна бу ҳақда қаранг: Запорожец В.М. Сельджуки. – М.: Воениздат, 2011. – С. 176.

⁸⁵ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 247; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 403; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2. – С. 29.

⁸⁶ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 249-250; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 403-404; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. 2. – С. 29.

⁸⁷ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 251.

⁸⁸ Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 398-399; Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 256.

⁸⁹ Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 264-265; 277-293.

Мазкур боб хулосасида мусулмон Шарқини қамраб олган чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқироз Жалолоддин Мангубердининг фаолиятига ва мўғулларга қарши олиб борган курашларига ҳам ўзининг кучли таъсирини ўтказгани, Жалолоддин Мангуберди мағлубиятининг энг асосий сабаби мусулмон ҳукмдорларни бирлаштира олмагани ёки Грузияга қарши кераксиз урушлар олиб боргани эди деган фикрлар ҳам ҳақиқатга тўғри келмаслиги исботланган.

«Чингизхон ва Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий санъати, тактикаси ва стратегияси. Қиёсий таҳлил» деб номланган тўртинчи бобнинг *«Жалолоддин Мангуберди ҳарбий санъати, тактикаси ва унинг ўрта асрлар Шарқ ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрни»* номли биринчи бўлимида Жалолоддин Мангубердининг ҳарбий санъати, тактикаси ва унинг ўрта асрлар Шарқ ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрни масаласи ҳамда шу пайтгача тарихий тадқиқотларда унинг ҳарбий санъати ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинди.

Мўғуллар босқини арафасида хоразмшоҳлар қўшинининг сони, қай даражада кучли ёки ҳарбий жиҳатдан таъминлангани ёзма ва ашёвий манбалар асосида кўриб чиқилиб, муайян хулосалар чиқарилган. Айниқса, барча тиллардаги манбаларда қўшин сонини бўрттириб кўрсатиш ҳоллари кўп учраши кўрсатиб берилган. Шу пайтгача замонавий тадқиқотларнинг бирортасида ҳам хоразмшоҳлар қўшинининг сони илмий таҳлил қилинмаган ва мазкур масалада келтирилган кўпгина маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайди⁹⁰. Хоразмшоҳлар давлатида мажбурий умумхалқ ҳарбий таълим тизимини жорий қилинганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳақиқатга тўғри келмаслиги асослаб берилган⁹¹.

Тадқиқотда яна Жалолоддин Мангуберди қўшинининг қуролланиши қай даражада бўлгани таҳлил қилинган ҳамда мўғуллар ҳарбий қурол ва ҳарбий жанг усулларининг баъзи турларини Хоразм давлатидан ўрганганликлари ёки қабул қилганликлари исботланган⁹². Хоразмшоҳлар қўшинининг жанговор тартиби ва қўшин тузилиши каби масалалар таҳлил қилинган ҳамда Жалолоддин Мангуберди мўғуллардан ҳам бир қатор одатларини қабул қилгани кўрсатиб берилган. Жумладан, душманларини мўғулларнинг ёлғондакам чекиниш усули билан бир неча бор енгганлиги тадқиқотда ўз аксини топган. Иккинчидан эса, Жалолоддиннинг мўғуллардан ўрганган яна бир хусусияти, у ўзи билан жанг қилмоқчи бўлган душман қўшинини иложи борича яхши ўрганган ҳамда мўғуллар каби жанг олдидан душман қўшинини заифлаштиришга ҳаракат қилган⁹³.

⁹⁰ Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 119-120.

⁹¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т. I. – М.: Наука, 1964. – С. 441-442; Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати. – Б. 118-120; Сабурова С.А. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлатида Хоразм. – Б. 104-106; Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Б. 283.

⁹² Храпачевский Р.П. Военная держава Чингисхана. – С. 231-241.

⁹³ Ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. – Б. 165, 200; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). – Б. 381, 394; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та'рих (Полный свод истории). – С. 393-394; бу ҳақда яна: Кулешов Ю.А. «Монгольская латная конница» – историческая реальность или научная спекуляция? (К вопросу о тактике монголо-татар в период Великого завоевания) // Золотоордынская цивилизация, 2012. Выпуск № 5. – С. 177.

Тўртинчи бобнинг «Чингизхоннинг ҳарбий санъати: стратегияси, тактикаси ва унинг жаҳон ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрни» номли иккинчи параграфида Чингизхоннинг ҳарбий санъати: стратегияси, тактикаси ва унинг «жаҳон мўғул империяси»ни яратишдаги ўрни очиб берилган.

Чингизхон кўшини ўнлик бўлим – «арбан», юзлик – «жугун» – «ягун» ёки «зун», минглик – «минган», ўн минглик эса «туман» деб аталган қисмларга бўлинган бўлиб, «ўнлик» тизими мўғулларнинг уруғчилик тизимига кўпроқ мослашган эди. Кўшин уч қисмга: марказ ҳамда ўнг (бурунғор) ва чап (жувонғор) қанотларга бўлинган. Кўшинда алоҳида ўринни хон гвардияси (кешиг) эгаллаб, у энг жасур, кучли ва аъло даражада қуролланган жангчилардан таркиб топган. Мўғул ҳарбий ташкилоти тизимида ёрдамчи ҳарбий хизматлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мўғул кўшинида интендантлик хизмати жорий қилинган бўлиб, янги лавозим – чербилар ёки армия интендантлари тайинланган. Чингизхон кўмондонларни тайинлашда уларнинг насл-насабига эмас, балки унинг ақлий қобилияти ва лашкарбошилиқ салоҳиятига асосий эътиборини қаратган⁹⁴. Шу жиҳатдан туманбоши даражасидаги Чингизхоннинг кўпгина сафдошлари тарихда энг буюқ лашкарбошилар қаторидан ўрин олганлар⁹⁵.

Мўғулларнинг энг асосий қуроли камон бўлиб, шу даражада моҳир камончи бўлишганки, барча ёзма манбаларда уларга «камончи халқ» дея бежиз таъриф беришмаган⁹⁶. Марказий Осиё халқлари ҳарбий санъатини ўрганган Ю.С.Худяков мўғул камони кашфиётининг аҳамиятини XX аср автоматик қуролининг кашф қилиниши аҳамияти билан тенглаштиради⁹⁷.

Мўғуллар жанглари бир неча босқичда олиб бориб, охир-оқибат душманни тўлиқ тор-мор қилишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг энг сеvimли жанг услуби – бу душман кўшинини ён томонлардан айланиб ўтиб, ён қанотлардан зарба бериш усули, яъни «тўлғам» усули бўлган⁹⁸. Мўғуллар Хоразмга қарши уюштирилган юришлар давомида ипакдан бўлган махсус кийимни ўзлаштирганларки, бу жангчиларнинг камон ўқидан химояланиш

⁹⁴ Уэзерфорд, Дж. Чингисхан и рождение современного мира / Дж. Уэзерфорд. — М.: АСТ: АСТ Москва, 2006. — С.132; Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. Редакция, вступительная статья и примечания Н.П. Шастиной.// М.: Гос. изд-во геогр. лит-ры. 1957. — С. 49; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо.- Б. 99-108; Хартог Лео де. Чингисхан. Завоеватель мира. — М.: Астрель, 2007. —С.62; Сокровенное сказание монголов / Пер. С.А. Козин. — М.: Издательство Э. 2017. — 480 с.; ил.

